

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI PREZIDENTINING
ҚАРОРИ**201 Молия органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Республика молия органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг солиқ-бюджет сиёсатига қатъий риоя этилишини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларини ҳамда ижтимоий соҳани барқарор, мутаносиб ва жадал ривожлантириш, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини мустаҳкамлаш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланишга йўналтирилган вазифалари, функциялари, иш шакллари ва услубларини қайта кўриб чиқиш мақсадида:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда унинг бўлинмалари фаолиятининг устувор вазифалари ҳамда йўналишлари этиб белгилансин:

иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг молиявий мутаносиблигини таъминлашда, давлатнинг ижтимоий мажбуриятларини тўлиқ ва ўз вақтида бажаришда, йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва мамлакатнинг муҳофаза қилинини мустаҳкамлашда молия органларининг ролини оширишга йўналтирилган ягона давлат солиқ-бюджет сиёсатини амалга ошириш;

иқтисодиёт ва аҳолига солиқ юкини камайтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш, минерал-хом ашё, ер-сув ҳамда бошқа ресурслар ва усқуналардан оқилона фойдаланишда солиқ ҳамда бошқа мажбурий тўловларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтириш йўли билан солиқ тизимини изчил такомиллаштириб бориш, солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини ошириш, солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш тартибини соддалаштириш, шунингдек, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ йиғилишини таъминлаш мақсадида уларнинг ставкаларини оптималлаштириш;

бюджетлараро муносабатларни тубдан такомиллаштириш, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромад базасини барча чоралар билан кенгайтириш, вилоятлар ва туманларни субвенциядан чиқариб, уларнинг мутаносиблиги ва ўзини ўзи қоплай олишини таъминлаш, ҳудудлар ҳокимликлари билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрини комплекс ва интенсив ривожлантириш асосида Давлат бюджетига қўшимча манбалар жалб этиш юзасидан тизимли ишларни амалга ошириш, табиий ва иқтисодий салоҳиятдан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, ҳудудлар иқтисодиётини модернизациялаш ва диверсификациялаш;

молиявий ресурсларни иқтисодий тараққиётнинг энг устувор йўналишларига, ижтимоий соҳани, айниқса қишлоқ жойларида, жадал ривожлантиришга, мақсадли инвестиция дастурларини молиялаштиришга, белгиланган

меъёрларга мувофиқ уларни реал молиялаштириш манбалари билан мустаҳкамлашга, ушбу асосда кредиторлик ва дебиторлик қарзларини камайтиришга жамлаш;

иқтисодиёт базавий тармоқларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш, қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб-қувватлашнинг самарали усул ва механизмларини жорий этиш, товарлар ва хизматларнинг айрим турларига нарх ва тарифлар белгилаш тартибini такомиллаштириш ҳамда тўлов интизомини мустаҳкамлаш;

бюджет тизимидаги бюджет маблағларидан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиш устидан давлат молиявий назоратини амалга ошириш, қатъий иқтисод қилиш, ишлаб чиқариш ва муомала харажатларини камайтириш, нобудгарчилик ва талон-торожликни, мақсадга номувофиқ чиқимларни тугатиш юзасидан вазирликлар, идоралар, хўжалик субъектлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда кенг қамровли профилактика ишларини олиб бориш;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва бошқа валюта назорати органлари билан биргаликда валюта-молия сиёсатининг асосий тамойиллари ва усулларини шакллантириш, давлатнинг валюта ресурсларини кўпайтириш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

фуқароларнинг пенсия таъминоти соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатларининг мутаносиблигини таъминлаш, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан унинг зиммасига юкланган вазифалар ва функциялар, хусусан пенсиялар ҳамда бошқа тегишли тўловларни тайинлаш ва ўз вақтида тўлаш бўйича ўрнатилган қоидаларнинг қўлланилишини мувофиқлаштириш ҳамда уларни назорат қилиш;

суғурта ташкилотларининг суғурта муносабатлари барча қатнашчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган фаолиятини назорат қилиш, бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботининг ягона методологиясини шакллантириш ва амалга ошириш, аудиторлик фаолиятини тартибга солиш, мамлакатнинг молия бозорларини ривожлантириш бўйича давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этиш;

давлат молия сиёсати соҳасида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ташкил этиш, Молия вазирлиги, унинг марказий аппарати ҳамда таркибий бўлинмаларининг иш шаклларини ва усулларини тубдан такомиллаштириш, молия органлари фаолиятида бюрократизм ва сансалорлик ҳолларига йўл қўймаслик, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларига риоя этилишини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига ўз вақтида эътибор қаратиш, зиммага юклатилган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун молия органлари ходимларининг масъулиятини ошириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги таркибидан:

Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсу-

лотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси ҳамда Суғориладиган ерларнинг ме-лиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси — Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари комплекси бўйсунувиغا;

Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфига;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари зиммасига эҳтиёжманд оилалар ва фуқароларга ижтимоий нафақалар ҳамда моддий ёрдам тайинланиши ва тўланиши устидан мониторингни амалга ошириш вазифалари юклатилган ҳолда эҳтиёжманд оилалар ва фуқароларга ижтимоий нафақалар ҳамда моддий ёрдам тайинланиши ва тўланиши устидан мониторингни амалга ошириш бўйича молия органлари туман ва шаҳар бўлинмаларидаги шўъбалар — Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги тасарруфига белгиланган тартибда ўтказилсин.

Вазирлар Маҳкамаси Комплексининг раҳбари (З.Т. Мирзаев), Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Меҳнат вазирлиги ўз бошқарувиغا топшириладиган юқоридаги жамғармалар ва инспекциянинг самарали фаолиятини ташкил этишни таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқни қишлоқ хўжалиги техникаси билан жиҳозлашни давлат томонидан рағбатлантириш жамғармаси тугатилсин ва унинг функциялари Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси зиммасига юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида:

Бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси, шунингдек Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси негизида Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси;

Бюджетдан ташқари Оролбўйи ҳудудларини ривожлантириш жамғармаси ташкил қилинсин.

5. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда вазирлик марказий аппаратининг бошқарув ходимлари чекланган сони 336 нафардан иборат янги ташкилий тузилмаси 1-, 2-, 2а-иловаларга* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигининг тузилмаси ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари молия бош бошқармаларининг, вилоят марказлари — шаҳар ҳокимликлари молия бўлимларининг, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари молия бўлимларининг намунавий тузилмалари 3 — 6-иловаларга* мувофиқ;

* 1 — 6-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги низом 7-илова-га* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги, зарур ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги марказий аппаратининг ҳамда молия орган-лари таркибий бўлинмаларининг, шунингдек, идоравий ташкилотларнинг тасдиқланган тузилмаларига бошқарув ходимларининг белгилаб қўйилган чекланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳукуқи берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорлари 8-илова-га* мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси билан биргаликда бюд-жет маблағларидан, энг аввало ижтимоий соҳа муассасаларида самарали фойдаланилиши устидан назоратни тубдан кучайтириш, давлат молия назо-рати тизимини янада такомиллаштириш, унинг халқаро стандартлар дара-жасида мустақиллиги, ишончлилиги ва ҳолислигини таъминлаш бўйича Ўзбе-кистон Республикаси Президенти девонига таклифлар киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги билан биргаликда Молия вазирлиги марказий аппаратининг, Ҳазначилик, ҳудудий молия органлари ва Бош назорат-тафтиш бошқармаси ҳудудий бошқармаларининг бўшаёт-ган ходимларини иш билан таъминлашга белгиланган тартибда кўмаклаш-син;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжат-ларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республи-касининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 18 март,
ПҚ-2847-сон

* 7-8-иловалар рус тилидаги матнда берилган.